

**Толаметова З.А.,**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

# ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

---

## ***ТОЛАМЕТОВА З.А. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ***

Мақолада дунё миқёсида глобаллашув жараёнида меҳнат миграцияси жараёнини тартибга солиш зарурати ва йўналишлари ёритиб берилди.

Таянч иборалар: меҳнат миграцияси, халқаро меҳнат миграцияси, ротацион, ассимиляцион миграция.

---

## ***ТОЛАМЕТОВА З.А. ТРУДОВАЯ МИГРАЦИЯ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И ПУТИ ЕЁ РЕГУЛИРОВАНИЯ***

В статье описывается необходимость и направления регулирования трудовой миграции в процессе глобализации.

Ключевые слова: трудовая миграция, международная трудовая миграция, ротационная, ассимиляционная миграция.

---

## ***TOLAMETOVA Z.A. LABOR MIGRATION IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION AND WAYS OF ITS REGULATION***

This article discusses the necessity and direction of labor migration in the globalization process.

Keywords: labor migration, international labor migration, rotary, assimilation migration.

***Миграция жараёнлари давлат томонидан бошқарилади ва у давлат сиёсатининг асосий муҳим соҳасидир. Бунда давлат маъмурий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ахборот ва бошқа услублардан фойдаланади. Давлат ҳам ички, ҳам ташқи миграцияни тартибга солиши керак.***

Миграция сиёсатида ташқи миграцияни тартиблаш алоҳида ўринга эгадир. Давлат бу соҳада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши зарур:

1. Мигрантларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва касбий мақоми тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш.

2. Ишчи кучининг иммиграцияси билан шуғулланувчи институционал хизматлар фаолиятини ташкил қилиш.

3. Ишчи кучи миграцияси тўғрисидаги ўзаро манфаатли давлатлараро келишувлар асосида фаолият юритиш.

Ишчи кучининг миграция жараёнининг бошқарилиши қуйида келтирилган тартибда бўлиши керак.

Тартибга солиш жараёнида:

1. Мамлакатдан чиқиб кетаётган эмигрантларни назорат қилиш.

2. Мамлакатга келаётган иммигрантларнинг меҳнат фаолиятини амалга оширишларига рухсат бериш.

3. Хорижга ишга ёлловчи воситачилар фаолиятига лицензия бериш ва назорат қилиш.

4. Ишлаётган иммигрантларнинг касби, малакаси мамлакатда бўлиш муддати ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлиги республика фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида касб фаолияти юритишларига кўмаклашувчи, тегишли рухсатнома берувчи ва назорат қилиш вазифаси юклатилган ягона давлат идорасидир.

Иммиграция хизмати қуйидагиларни амалга ошириши керак:

1. Мавжуд қонунларга мувофиқ иммигрантларнинг мамлакатга кириб келишини расмийлаштириш ва назорат қилиш.

2. Иммигрантларнинг яшаши ва ишлашига рухсат бериш.

3. Тадбиркорлар, иш берувчи корхоналарнинг ишчи кучи миқдори ва сифати кўрсатилган талабларга мос тарзда маълум бир тармоқлар бўйича йўлланмалар бериш.

Иммиграция сиёсати 3 йўналишда бўлиши мумкин:

1. Ишчи кучининг ротацион иммиграцияси, бунда иммигрантларнинг бўлиши муддати олдиндан чегаралаб қўйилган бўлиб, улар оиласининг келишига рухсат берилмайди (1-3, 5 йилгача).


2. Исталган муддатда оиласи билан ҳам яшашга рухсат берилади.

3. Ассимиляция иммиграциясида иммигрантларнинг доимий яшаши ва фуқароликни мамлакат қонунларида кўрсатилган маълум бир муддатдан кейин (5-10 йил) олиш имконини беради. «Ассимиляциялашган иммиграция» АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландияда ва юқоридаги икки кўриниши эса Ғарбий Европа давлатларида кенг тарқалган.

Халқаро меҳнат бозорида мигрант ишчилар манфаатини ҳимоя қилишда қуйидаги йўналишларга эътибор бериш керак:

1. Чет давлатларга бориб ишламоқчи бўлганларга тузилаётган меҳнат шартномаларига минимал зарурий талабларни киритиш (меҳнат визаси, ижтимоий ҳимоя, тиббий суғурта, солиқлар ҳақида, шартнома муддати, иш ҳақи ҳажми).

2. Ишчи кучини импорт қилувчи давлатларда мигрант ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (шунга мувофиқ, икки томонла-

1-расм. Иммиграция сиёсати<sup>1</sup>.

ма халқаро ҳуқуқий келишувларни амалга ошириш).

3. Мигрант ишчилар мамлакатларига қайтганларидан сўнг, уларнинг касб-корлиги, билимига мос иш топиб бериш.

4. Мигрант ишчиларни ёллаётганда солиқ миқдори чекланган бўлиши керак.

Фикримизча, ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар манфаатини ҳимоя қилишда қуйидаги йўналишларда чора-тадбирлар қўлланилиши керак:

- ишчи кучини экспорт қилувчи ташкилотларни давлат бошқарув органлари томонидан лицензиялаш. Бундан мақсад, хорижий давлатларда ишчи кучини ишга жойлаш билан етарли билим, иш тажрибаси, ўз фаолияти натижасига моддий ва ҳуқуқий, маънавий жавобгар бўла оладиган ташкилотлар шуғулланишини амалга ошириш;

- хорижга ишчи кучини (миқдор ва сифат жиҳатдан) экспорт қилишда миллий меҳнат бозоридан ноёб, тақчил мутахассисларни ҳаддан ташқари кўп миқдорда чиқиб кетишидан сақлаш, эмиграцияни мамлакатдаги демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатишини бартараф этиш мақсадида тартибга солиб туриш.

Бу қуйидаги чора-тадбирлар орқали амалга оширилади:

а) хорижга чиқиш рухсатномаси беришни чеклаш (лимит);

б) ишчиларнинг баъзи категорияларининг чиқишини тўғридан-тўғри таъқиқлаш;

с) баъзи касб мутахассисларини эмиграция қилишни квоталаш;

д) хорижда ишловчи мигрантларнинг валюта тўлови даражасини уларнинг мутахассислигига қараб табақалаштириш;

е) валюта маблағларини мамлакатга жалб қилиш мақсадида турли хилдаги молия-кредит имтиёзларини бериб, ўз мамлакатларида инвестициялашга қизиқтириш.

Фикримизча, халқаро меҳнат бозорида ишчи кучини экспорт қилувчи ва импорт қилувчи давлатларга ушбу соҳада тегишли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари қўлланилиши ва улар қуйидагилардан иборат бўлиши керак.

Давлатлар ўртасида икки ёки кўп томонлама шартнома тузиш ишчи кучи миграцияси амалга оширилаётганда, ишчиларни шартномада кўрсатилган муддат тугагандан кейин ўз ватанларига қайтиб келишларига эришиш.

Норасмий миграцияни камайтиришга қаратилган ўзаро келишувларни амалга ошириш.

Ҳозирги глобаллашув даврида дунё миқёсида қишлоқлардан шаҳарларга миграция кўпроқ кузатилмоқда. 2010 йилда бутун дунёда 53,6 млн норасмий кўринишдаги уй хизматчилари бўлган бўлса, уларнинг 83 фоизини аёллар ташкил этган, уларнинг ярмида иш вақти, айниқса ҳафталик иш вақтининг чегараси белгиланмаган, 5 тадан 2 таси ҳаттоки минимал иш ҳақини олишдан, 3 тадан 1 таси туғруқ таътилини олиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрумдир<sup>2</sup>.

Ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар 3 гуруҳга бўлинади:

<sup>1</sup> Толаметова З.А. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишлари. – Т.: «Иқтисодий», 2014. -165-б.

<sup>2</sup> [http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms\\_240032.pdf](http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_240032.pdf). Б.36-37.

а) ташқи ишчи кучи миграциясини махсус миллий хизматлар ва тегишли вазирликлар воситасида фақат давлат бошқарувчи мамлакатлар;

в) ишчи кучини ёллашда асосий ўринда хусусий агентликлар фаолият кўрсатувчи мамлакатлар;

с) ташкил қилишнинг ҳар иккала усулдан фойдаланувчи мамлакатлар.

Ташқи ишчи кучи миграциясини ташкил этишда хусусий тадбиркорлик, фирмалар фаолияти давлат бошқаруви ва назорати ўрнатилган ҳолдагина, ушбу фаолият анча самарали бўлади. Ишчи кучи ва капитал ҳаракатига ташқи ишчи кучи миграциясига ёрдам берувчи инфратузилма ва корхоналар ташкил этилади. Шунингдек, мигрант ишчиларни ҳимоя қилиш мақсадида турли хилдаги жамоа ташкилотлари ва бирлашмалари вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари бандлигини таъминлашнинг йўналишларидан бири ишчи кучининг механик ҳаракатчанлигидир.

Ҳар йили меҳнат ресурслари 400-500 минг кишига ортиб бораётган республика-мизда унинг меҳнат билан бандлигини таъминлашнинг йўналишларидан бири ишчи кучининг ички ва ташқи миграциясидир. Яъни бунда республикада меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлардан иш жойларида меҳнат ресурслари етишмовчилиги бўлган ҳудудларга уларнинг миграциясини таъминлаш самарадорлигини ошириш керак. Иқтисодийни модернизациялаш даврида ишчи кучини тармоқ ичида ва тармоқлараро қайта тақсимлаш жараёнини такомиллаштириш зарурдир.

Меҳнат ресурслари етишмаётган жойларга кадрларни жалб этишни йўлга қўйиш учун кўчиб борувчиларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Бунда миграция ундан келадиган фойдага боғлиқ эканлигини эътиборга олган ҳолда, унинг барча турларидан келадиган фойдалиликни

кучайтириш зарур ва бу фойданинг қиймати қуйидагича ифодаланади:<sup>1</sup>

$$\frac{T}{E} = \frac{Bjt - Bot}{(1+r)^t} C$$

$$t = 1$$

Бу ерда:  $Bjt$  – янги иш жойидан келадиган фойдалилик ( $j$ ), бир йилда 1;

$Bot$  – эски иш жойидан келадиган фойдалилик ( $o$ ), бир йилда 1;

$T$  – муайян вақт (бир йилда) янги иш жойида ўтадиган давр;

$C$  – фойдалилик, кўчиш харажатлари;

$E$  – барчасининг йиғиндиси.

Агар янги иш жойининг фойдалилиги юқори бўлса, эски иш жойининг фойдалилиги қанча кам бўлса, янги иш жойига кўчиш билан боғлиқ харажатлар кам бўлса, ишчи янги иш жойида, янги яшаш жойида қанчалик кўп вақт ишламоқчи, яшамоқчи бўлса ( $T$ ), миграциядан келадиган фойдалилик шунчалик юқори бўлади.

Аҳоли зич жойлашган ҳудудларда меҳнат ресурсларининг миграциясини жонлантириш учун бундай ҳудудларда уларнинг миграцияга мойиллик даражасини ўрганиш, аҳоли сийрак жойлашган ҳудудларда ишчи кучига бўлган талабни аниқлаш керак.

Иқтисодийни модернизациялаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида меҳнат ресурсларининг ҳудудий миграцияси кучайиши бандликнинг такомиллашувини таъминлайди. 2011 йилда Ўзбекистон Республикасига кўчиб келганлар 135,9 минг кишидан, яъни ҳар минг аҳолига 4,6 промилли, кўчиб кетганлар 184 минг кишидан ҳар минг аҳолига 6,2 промиллидан иборат бўлиб, миграция қолдиғи 46,5 минг кишидан иборат бўлган. 2013 йилда эса республикага кўчиб келганлар 155 минг кишини, кўчиб кетганлар 189 минг кишини

<sup>1</sup> Толаметова З.А. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишлари. – Т.: «Иқтисодий», 2014. -168-б.

1-жадвал<sup>1</sup>. Кўчиб келганлар сони

Худудлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>144778</b>	<b>144038</b>	<b>151172</b>	<b>149732</b>	<b>138077</b>	<b>139775</b>	<b>136565</b>	<b>169701</b>	<b>155084</b>
Шу жумладан									
Қорақалпоғистон Республикаси	12783	12375	15235	13686	12723	14275	14041	12091	14238
Андижон вилояти	4751	4304	5802	5942	6619	5737	4967	5818	6498
Бухоро вилояти	3965	4297	5483	4950	5461	4244	5351	4460	5225
Жиззах вилояти	7312	7117	7337	7569	6994	7950	7748	8533	
Қашқадарё вилояти	8323	7308	6975	10660	9883	10077	12103	12825	13916
Навоий вилояти	12043	11948	11320	12115	11337	11442	11390	12134	12321
Наманган вилояти	3190	3275	2782	2601	3818	4393	4428	4245	4938
Самарқанд вилояти	10814	11328	12053	12259	11920	12332	12983	9326	12738
Сурхондарё вилояти	10684	11521	10965	11537	10648	11600	11464	12007	13081
Сирдарё вилояти	6349	6524	6769	5971	5576	6708	7166	7117	7766
Тошкент вилояти	23232	23531	23434	19937	16523	15467	12367	22322	17954
Фарғона вилояти	12984	11545	12540	13964	12494	12747	13611	12909	13292
Хоразм вилояти	6433	5743	5768	5989	6250	7239	7737	7192	7333
Тошкент шаҳри	21915	23222	24709	22552	17831	15564	10146	39507	17251

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Демографик маълумотлар. Стат. инфо. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) /statinfo/demografichskie - danue 24.03.2015/ 24.03.2016. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик туплами. – Т., 2014. – 24-28-б.

2-жадвал<sup>1</sup> Кўчиб кетганлар сони (йилда, киши)

Ҳудудлар	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>246386</b>	<b>209227</b>	<b>214310</b>	<b>195836</b>	<b>187710</b>	<b>183858</b>	<b>184149</b>	<b>210653</b>	<b>189650</b>
шу жумл.									
Қорақалпоғистон Республикаси	34106	28135	30722	23574	28324	26971	29848	23099	20528
Андижон вилояти	6854	6161	7024	6709	7347	6296	5783	7752	7489
Бухоро вилояти	8888	8573	10055	8860	9659	6929	7193	8885	7579
Жиззах вилояти	18911	13066	13443	11677	10750	11174	9574	10016	9261
Қашқадарё вилояти	9838	9368	9094	10252	10824	10894	10333	13604	10686
Навой вилояти	21435	17250	15378	15782	13324	13719	17094	18859	14804
Наманган вилояти	4916	4942	4773	3291	4245	5099	4350	5144	5065
Самарқанд вилояти	19090	17955	18661	17679	15812	15371	16900	13741	15191
Сурхондарё вилояти	14041	14591	14499	14001	12492	12742	12770	13528	12326
Сирдарё вилояти	12267	10705	10843	9032	8074	8758	6976	8171	7611
Тошкент вилояти	37131	31076	31577	30156	26967	27547	23826	34479	27113
Фарғона вилояти	16798	14481	15478	15684	13920	14052	13062	14146	13487
Хоразм вилояти	9981	8134	8732	7526	7852	8315	7781	9511	7655
Тошкент шаҳри	32130	24790	24031	21613	18120	15991	18659	29718	30855

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Демографик маълумотлар. Стат инфо. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) /statinfo/demografichskie - daniye 24.03.2015/ 24.03.2016. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014. – 24-28-б.

ташкил этган бўлиб, миграция қолдиғи 34,5 минг кишини ташкил этди<sup>1</sup> (1-2-жадваллар).

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий истиқлол шарофати билан меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг янги имкони, яъни меҳнат ресурсларини хорижий юртларга бориб тажриба алмашиб келишлари имконияти юзага келди.

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига фаоллик билан қўшилиб, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича ўзининг тутган ўрнини белгилаб ва мустаҳкамлаб бормоқда.

Шу билан бирга, халқаро миграция ҳар доим ҳам ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар томон йўналишда бўлмай, балки баъзи давлатлар мигрант ишчиларни қабул қилиш билан бирга ишчи кучларини хорижга эмиграция қиладилар.

Ўзбекистон халқаро миқёсда тенг ҳуқуқли шерик сифатида қатнашувининг мавжуд имкониятлари фақат унинг демографик кўрсаткичлари – аҳолининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат ресурсларининг умумий сонидан ёшлар улушининг юқорилиги билан чекланиб қолмасдан, балки уларнинг маълумоти, савия даражаси юқорилиги бўйича ҳам ажралиб туради.

Жаҳон ҳўжалиги тизимида Ўзбекистон салмоқли ўринга эга бўлиб, хорижий мамлакатларда фуқароларимиз малакасини ошириб келиш билан бир қаторда, ўз билим, салоҳиятини дунё миқёсида намоён этмоқдалар.

Республикамизнинг меҳнат қонунчилиги, фуқароларнинг мамлакатга келиши ва чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган тартиб ва маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон аъзо бўлган Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий талабларига мувофиқлаштириб борилган. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Демографик маълумотлар. Стат инфо. [www.stat.uz/statinfo/demografichskie-dannye](http://www.stat.uz/statinfo/demografichskie-dannye) 24.03.2015/ 24.03.2016. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014. -24-28-б.

Қонунида Ўзбекистон фуқароларининг чет элларда касб фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишга жойлаштиришни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда давлатнинг масъулияти мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва зирлигининг Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлиги халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга асосланган ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиди ва ушбу фаолиятни республиканинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади. Ушбу агентлик фуқароларимизнинг чет элда ҳамда хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонда касб фаолияти юритишларини мувофиқлаштирувчи, тегишли рухсатнома берувчи ва назорат қилиш ваколати юклатилган давлат идорасидир.

Умуман, ишчи кучи миграцияси ҳар бир мамлакат ҳудудида доимо давом этади.

Миграция жараёни тартибли тарзда бўлиши ва ишчи кучи миграцияси тўғри бошқарилиши керак, бунинг учун эса, фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- янги иш жойлари яратилиши ва барқарорлиги таъминланиши миграция жараёнини тартибга келтиради. Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш юқори малакали ишчиларга бўлган ички талабни оширади. Ўзбекистон Республикасида оқилона олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар натижасида ҳар йили ўртача 1 млн янги иш жойлари яратилаётганлиги, уларнинг 62%и қишлоқ жойларда яратилаётганлиги меҳнат ресурсларининг тўла ва оқилона бандлигини таъминлаш имкониятини яратган;

- миграция сиёсати ҳам ички зарурат, ҳам ташқи талабни ҳисобга олиши зарур;

- тегишли ахборот қўлами кенгайтирилиши лозим. Эмиграция қилмоқчи бўлган ишчи кучи уни иммиграция қилаётган мамлакатдаги расмий талаб, шарт-шароит ва имкониятлар тўғрисидаги ахборотга эга

бўлиши ва шундан келиб чиққан ҳолда, хулосага келишлари лозим;

- расмий ва норасмий миграция оқимлари таҳлил қилиб борилиши керак. Норасмий миграциянинг олдини олиш чоратadbирлари янада такомиллаштирилиши керак;

- миграция қилинаётган ишчиларда базавий маълумотлар бўлиши лозим, шундагина ишчилар малакаси ва тақлиф қилинаётган иш жойлари ўртасидаги номувофиқлик пасаяди. Бунда малакали ва маълумотли кадрлар малакасини ошириш дастурлари ўз самарасини беради.

Шу билан бирга алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарурки, баъзи хорижий мамлакатларда аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда фақат

ташқи меҳнат миграциясига таянган ҳолда иш кўрилатган, бунинг натижасида эса мазкур мамлакатлар иқтисодиётининг таркибий ўзгаришлари етарлича амалга оширилмаётган, ўзга мамлакатлар иқтисодиётига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб қолаётган айти вақтда, Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари бандлигини таъминлашда мамлакатда янги иш жойларини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларнинг меҳнатда бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани республикамизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида оқилона иқтисодий сиёсат олиб борилаётганлигидан далолат беради.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь сони.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013.
3. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. –36-б.
4. Каримов И.. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
5. Узбекистан в цифрах. 2013. Государственный комитет Республики Узбекистан по Статистике. – Т., 2013.
6. Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишлари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2014.
7. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014.
8. [http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms\\_240032.pdf](http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_240032.pdf). Б.36-37.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Демографик маълумотлар. Стат инфо. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) /statinfo/demografichskie – dannye 24.03.2015/ 24.03.2016.